

Мен севган касб

2019-йил 18-октябрь куни институтимизга “Гидрология ва гидрогеология” кафедраси ассистенти С.Р. Мансуров ташаббуси билан Тошкент шаҳар Зангиота туманидаги 31 – сонли мактабнинг 10-11 синф ўқувчилари ҳамда мактаб ўқитувчиси Р. Эшқобилов раҳбарлигида ташриф буюрди. Ташриф давомида институтимизда яратилган барча шарт-шароитлар ҳамда институтимиз тарихи ва бугунига оид маълумотлар, ўқув бинолари, кутубхоналар ва лабораториялар билан таништирилди. “Гидрология ва гидрогеология” кафедраси ассистентлари С.Р. Мансуров ва Г.У. Жумабаевалар ушбу вазифани бажариш давомида ўқувчиларнинг қизиқиш билан берган саволларига тўла жавоб берди. Ўқувчилар мамнун ҳолда катта таассуротлар билан қайтишди. Мактаб ўқувчиларининг институтимизга ташрифи бир жиҳатдан уларнинг билим ва салоҳиятларини ошишига хизмат қилса, иккинчи томондан бизнинг соҳамизга, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш жабҳасига қизиқишини орттиради. Натижада улар қалбида айнан институтимизда ўқиш ҳамда ирригация ва қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича яхши мутахассис бўлиш истаги ниш уради.



“Гидрология ва гидрогеология” кафедраси ассистенти Мансуров С.Р. ахбороти

Институт матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёв